

“Мустақиллик кубоги”: баскетбол баҳсларида ғолиблар аниқланди

// 20.08.2026

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/mustaqillik-kubogi-basketbol-bahslarida-goliblar-aniqlandi>



Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан “Ўзкимёсаноат” АЖ тизимидаги корхоналар ходимлари ўртасида ташкил этилаётган “Мустақиллик кубоги” спорт мусобақалари қизғин давом этмоқда.



Навбатдаги баҳслар баскетбол спорт тури бўйича ўтказилиб, жамоалар майдонда ўзларининг маҳорат, чаққонлик ва жамоавий ҳамжиҳатлигини намоён этди.

Мурасасиз ва қизғин кечган учрашувлар якунига кўра:

- 1-ўрин — “Қўнғирот сода заводи” жамоаси.
- 2-ўрин — “Навоийазот” АЖ жамоаси;
- 3-ўрин — “Индорама-Фарғонаазот” АЖ



Мусобақалар нафақат спортдаги энг кучли жамоаларни аниқлаш, балки тармоқ корхоналари ходимлари ўртасида дўстона муҳит, жамоавий руҳ ва соғлом рақобатни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

